# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 22 июнь, № 127 (7357) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ



**2019 йил 21 июнь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси иш бошлади.**

Унда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Олий Мажлис Сенатининг бугунги ялпи мажлиси барқарор миллий тараққиётимизнинг янги босқичида, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида кенг кўламли ва шиддатли демократик ислоҳотлар жадал олиб борилаётган масъулиятли бир пайтда бўлиб ўтмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор мақсадлар халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли изчил амалга оширилаётгани, миллий иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Президентимиз халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини янада яхшилаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш билан боғлиқ вазифаларни бажаришда Сенатнинг роли ва таъсирини ошириш зарурлигини таъкидлади.

**(Давоми 3-бетда).**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам Сенат аъзолари!

Ҳурматли ялпи мажлис қатнашчилари!

Авваламбор, бугун сиз, азизлар билан учрашиб, барчангизни соғ-саломат, яхши кайфиятда кўриб турганимдан мамнунман.

Шу имкониятдан фойдаланиб, сизларга ўзимнинг юксак ҳурматим ва самимий тилакларимни билдираман.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бугунги ялпи мажлиси барқарор миллий тараққиётимизнинг янги босқичида, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида кенг кўламли ва шиддатли демократик ислоҳотлар жадал олиб борилаётган масъулиятли бир даврда бўлиб ўтмоқда.

Ҳозирги кунда кўп миллатли халқимиз мамлакатимизда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор мақсад ва вазифаларни амалга ошириш йўлида баҳамжиҳат бўлиб, қатъият ва фидойилик билан меҳнат қилмоқда.

Олдимизга қўйган улкан марраларга эришиш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятлари сафарбар этилмоқда. Айниқса, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, самарали ташқи сиёсат олиб боришдек устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқ билан доимий ва тизимли мулоқот асосида умумий сони 33 миллиондан ортиб бораётган аҳолимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида янги қадамлар қўйилмоқда. Жумладан, иқтисодиёт соҳасида ижтимоий йўналтирилган ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, тадбиркорлик, хусусий мулк ривожига кенг йўл очиб бериш, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ва инфратузилмаларини ташкил этиш масалаларига биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Янги иш ўринлари яратиш, замонавий уй-жойлар, йўл ва кўприклар, болалар боғчалари, мактаблар ва олий ўқув юртлари, шифохоналар, маданият ва санъат, спорт масканларини барпо этиш, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳаёти обод ва фаровон бўлишига эришиш, уни рози қилиш — барча бўғиндаги раҳбар ва мутасаддиларнинг фаолият мезонига айланмоқда.

Албатта, ҳаётимиздаги бундай улкан миқёсдаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда миллий парламентимиз — Олий Мажлис ва унинг юқори палатаси бўлмиш Сенатнинг, сиз, ҳурматли сенаторларимизнинг фаолияти ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

**Биз Сенат деганда, биринчи навбатда, миллий парламентимизнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий салоҳиятини амалда намоён этадиган, халқ манфаатларининг чинакам ифодачиси ва ҳақиқий ҳимоячиси бўлган катта бир кучни тасаввур қиламиз.**

Ёдингизда бўлса, бундан икки йил олдин, яъни 2017 йил 12 июль куни сиз, муҳтарам халқ ноиблари билан учрашиб, парламентимиз фаолиятини бугунги шиддатли даврнинг ўткир талаблари асосида янада такомиллаштириш бўйича энг муҳим вазифаларни белгилаб олган эдик.

Мен яхши эслайман, ўша учрашувда **“Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак”**, деган фикр ўртага қўйилган эди.

Ана шу дастурий ғояни амалга ошириш учун Олий Мажлисга Мурожаатномаларимизда ҳам Ўзбекистоннинг бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаётида миллий парламентаризмни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилгани сизларга яхши маълум. Бу борада, жумладан, Олий Мажлис палаталарининг жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг ишини самарали ташкил этиш учун зарур шароит яратиш, депутатлар ва сенаторлар фаолиятининг моддий-ташкилий таъминотини яхшилашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар кўрилди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда амалга оширилаётган тизимли демократик жараёнларда Сенат томонидан қонун ижодкорлиги билан бирга таъсирчан парламент назоратини олиб бориш, жойларга чиқиб, аҳолимизни қийнаётган, безовта қилаётган муаммоларни ўрганиш, уларни ҳам қонуний, ҳам амалий нуқтаи назардан ҳал қилиш юзасидан бир қатор эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилаётганини албатта эътироф этиш лозим.

Биз ўз фаолиятимизни бошлаган дастлабки кунлардан эътиборан сиз, ҳурматли халқ вакиллари билан барча муҳим вазифаларимиз қаторида иккита энг асосий масалага алоҳида аҳамият қаратиш ҳақида келишиб олган эдик. Буларнинг **биринчиси — жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш** бўлса, **иккинчиси — аҳолимизнинг соғлиғини муҳофаза қилишдир.**

Ҳаммамиз тушунамиз, **тинчлик ва соғлиқ — бу ҳар бир инсон, бутун халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир.** Шунинг учун ҳам мана шу икки соҳада биз аҳволни тубдан ўзгартириб, ижобий натижаларга эриша олсак, бутун жамиятимиздаги вазият ва ижтимоий муҳит кескин ўзгаради, мен бунга аминман.

Шу мақсадда биз парламент аъзоларига катта ишонч билдириб, Қонунчилик палатасига — соғлиқни сақлаш соҳасида, Сенатга эса ички ишлар органлари тизимида ислоҳотларни амалга оширишда бош-қош бўлишни таклиф этган эдик.

Бугунги кунда ички ишлар органлари фаолиятини самарали ташкил этиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини йўлга қўйиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролар онгида **“Қонун — устувор, жиноятга жазо муқаррар”**, деган юридик тамойилни қарор топтириш борасида эришилаётган ютуқларда Сенат аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Айни вақтда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, жамиятимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини янада яхшилаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш билан боғлиқ ғоят долзарб, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни бажаришда Сенатнинг роли ва таъсирини оширишни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, мен Сенат фаолиятида ўз ечимини кутиб турган бир қатор муҳим масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

**Биринчидан,** Сенатнинг қонунчилик фаолиятида, ишни тўғри ташкил қилишда талабчанлик ва жонкуярлик, ташаббускорлик ва изчиллик етишмаётганини қайд этиш лозим.

Мисол учун, 2015 — 2018 йиллар давомида юқори палата томонидан 140 та қонун маъқулланган бўлса-да, аксарият қонунларнинг маъно-мазмуни Сенатда кўриб чиқилганидан сўнг сезиларли даражада ўзгармаган.

Маълумки, қонунлар муҳокамасининг бошланғич босқичларида миллий ва ҳудудий манфаатлар нуқтаи назаридан Сенат аъзоларининг мазкур муҳокамада фаол қатнашишлари талаб этилади. Афсуски, шу мақсадда тузилган ишчи гуруҳлар фаолиятига айрим Сенат аъзоларининг юзаки ёндашиш ҳолатлари учраб туради.

Гарчи, Сенат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаса-да, бу ҳол унинг қонунларни такомиллаштириш бўйича таклиф кўрсатишига монелик қилмайди. Тан олиш керакки, бу борада юқори палата вакиллари томонидан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий соҳалардаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, қонунчиликни ривожлантиришга оид асосланган таклифларни киритиш масаласи, афсуски, талаб даражасида эмас.

**Иккинчидан,** Сенатнинг парламент назоратига оид амалдаги ваколатларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Ўтган 4 йил давомида Сенат томонидан атиги 10 та парламент сўрови юборилгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш талаб этилаётган ҳозирги шароитда бундай ҳолат бизни албатта қониқтирмайди.

Тўғри, кейинги вақтда Сенат томонидан марказий ва маҳаллий давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини жойларга чиқиб ўрганиш юзасидан 131 та назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилган. Аммо мазкур тадбирларнинг натижадорлиги паст бўлиб, уларнинг аксарияти фақат тадбир ўтказиш учун номига ташкил этилмоқда.

Парламент назорати доирасида аниқланган тизимли муаммоларни умумлаштириб, ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳаларга оид қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича аниқ, асосланган таклифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишлари қониқарли эмас. Айниқса, бу борада халқаро ҳуқуқ талабларини ҳамда ривожланган хорижий давлатларнинг қонунчилигини ўрганиш, уларнинг илғор юридик тажрибасини қўллаш бўйича ташаббусларни илгари суриш борасида Сенат фаолиятида ўзгариш сезилмаяпти.

**Учинчидан,** ҳаммамиз биламизки, Сенат — бу Олий Мажлиснинг ҳудудий вакиллик палатасидир. Бироқ Сенат фаолиятида ҳудудларнинг манфаатларини инобатга олиш, умуман, ҳудудларга оид масалаларни кўриб чиқиш яқин-яқингача эътибордан четда қолиб келгани ҳеч кимга сир эмас.

Юқори палата томонидан муайян ҳудудни субвенция (дотация)дан чиқариш бўйича ҳокимнинг ахбороти бирор марта ҳам тингланмаган. Фақатгина 2018 йилда Сенат тарихида илк маротаба тегишли вилоят ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш юзасидан ҳисоботини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди. Жумладан, Андижон, Бухоро, Фарғона вилоятлари ҳокимларининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботлари эшитилди. Лекин булар ҳали етарли эмас.

Айни вақтда юқорида зикр этилган парламент эшитувлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг мазмуни, асосан, ҳокимлик ва маҳаллий давлат идораларига умумий руҳдаги топшириқлар бериш билан чекланиб қолмоқда.

Бу ҳужжатларда ҳар томонлама чуқур тайёрланган, ҳар бир ҳудуддаги ижтимоий муаммоларни ечишга, аҳолининг оғирини енгил қилишга қаратилган аниқ вазифалар ўз ифодасини топмаяпти. Шу билан бирга, ушбу қарорлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш ишлари ҳам суст олиб борилмоқда.

**Тўртинчидан,** маълумки, Сенат зиммасига халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларнинг иш самарадорлигини ошириш вазифаси ҳам юкланган. Ушбу масала бўйича юқори палатамизда махсус комиссия ҳам тузилган.

**(Давоми 2-бетда).**

# ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ҚОЗОҒИСТОН БОШ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 июнь куни Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Маминни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб, иқтисодиётнинг турли тармоқларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик жадаллашиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Ўз навбатида, Асқар Мамин Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Қозоғистоннинг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев ва Президент Қосим-Жомарт Тоқаевнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда қардош мамлакатларимиз раҳбарлари даражасидаги мунтазам учрашувлар ва ишончга асосланган мулоқот икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиб, уларни аниқ амалий мазмун билан бойитгани таъкидланди.

Илк бор ҳукумат раҳбарлари даражасида ўтказилган Ҳукуматлараро комиссия мажлиси савдо, инвестициялар, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, туризм ва бошқа йўналишларда истиқболли лойиҳаларни илгари суришнинг самарали механизми экани қайд этилди.

Ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтириш, жумладан, Ўзбекистонда “Қозоғистон йили” доирасидаги қўшма тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Қозоғистон Бош вазири кўп қиррали шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва олий даражада эришилган келишувларни сўзсиз рўёбга чиқариш борасидаги интилиши қатъий эканини таъкидлади.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Янги рақобатбардош ишлаб чиқаришлар ва кичик корхоналарнинг ривожлантирилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича узлуксиз равишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида 150 та кичик саноат зонаси ташкил қилинган бўлиб, уларнинг ҳудудида ҳар йили жами 1,7 триллион сўмдан ортиқ қийматдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмига эга бўлган 1 691 та кичик корхона фаолият юритади ва 27 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг иштирокчилари учун фаолият юритиш шароитларини сифат жиҳатидан яхшилаш ва маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш, инвестициялар жалб қилинишини фаоллаштириш, авваламбор, фойдаланилмаётган, фаолият юритмаётган ишлаб чиқариш майдонлари негизида ташкил қилинаётган импортбоп маҳсулотларни чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларнинг жорий этилишини жадаллаштириш, ушбу асосда янги турғун иш жойлари ташкил этилишини таъминлаш ва аҳоли даромадини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида давлат муассасаси шаклидаги **кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекциялар**ни (кейинги ўринларда — дирекциялар) ҳар бир кичик саноат зонасига дирекцияларнинг масъул ходимларини бириктирган ҳолда ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда янги ташкил қилинаётган дирекцияларнинг рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги “Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5621-сонли Фармони билан кичик саноат зоналари иштирокчиларига қуйидаги ҳуқуқлар берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

ўз маблағлари ҳисобига қурилган бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)га мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда расмийлаштириш;

реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлашни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширган тақдирда, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган кундан бошлаб камида 3 йил муддат ўтгандан кейин, бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)ни хусусийлаштириш;

инвестиция ва бошқа ижтимоий мажбуриятларни тўлиқ бажарган тақдирда, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган давридан бошлаб камида 5 йил муддат ўтгандан кейин, ўзларига берилган бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)ни хусусийлаштириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) кичик саноат зоналари фақатгина транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси мавжуд ёки ўтказиш осон бўлган фаолият юритмаётган корхоналар негизида ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер майдонларида ташкил қилинади;

**(Давоми 2-бетда).**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур йўналишда дастлаб муайян тадбирлар амалга оширилган бўлса-да, охирги йилларда Сенат томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини кучайтириш бўйича ишлар тизимли асосда олиб борилмаяпти. Ваҳоланки, жойлардаги маҳаллий Кенгашлар депутатларининг профессионал савияси ва ҳуқуқий саводхонлиги, уларнинг депутатлик фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш кўникмалари бугунги кун талаблари даражасида эмас, десак, муболаға бўлмайди. Хусусан, биз келгусида ҳокимларнинг ижро ва вакиллик ҳокимияти раҳбари сифатидаги ваколатларини алоҳида-алоҳида ажратиб қўйишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйган эканмиз, Сенатнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан самарали ҳамкорликни ташкил этишдаги роли ва масъулияти янада ортиши табиий.

**Бешинчидан,** яна бир муҳим масала — бу Сенатнинг халқаро йўналишдаги фаолиятини кучайтириш билан боғлиқ.

Барчамизга аёнки, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини кўтариш, фаол ташқи сиёсат олиб бориш соҳасида ҳам Сенатнинг муҳим вазифалари бор.

Бу соҳада Сенат, хусусан, Раиснинг биринчи ўринбосари Содиқ Солиҳович Сафоев томонидан кўпгина ишлар амалга оширилаётганини албатта эътироф этишимиз керак.

Катта ҳаётий ва сенаторлик тажрибасига эга С. Сафоев хорижий давлатлар парламентлари ва халқаро ташкилотлар билан кўп қиррали ва самарали ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги туб ислоҳотларнинг маъно-мазмунини жаҳон жамоатчилигига етказишда жонбозлик билан фаолият кўрсатмоқда.

Биргина шу йилнинг ўзида Сенат иштироки ва шафелигида 50 дан зиёд халқаро анжуманлар, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Лекин юқори палатамизнинг халқаро йўналишдаги ишининг натижадорлигига яхлит баҳо берадиган бўлсак, ҳали тўла ишга солинмаган имкониятлар мавжуд. Жумладан, Парламентлараро Иттифоқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси ва Ўзбекистон номидан Олий Мажлис аъзо бўлган бошқа халқаро парламент ташкилотлари билан ишлаш стратегиясини белгилайдиган, аниқ ва узоқ муддатни кўзлайдиган иш режаларини Сенат белгилаб олиши лозим.

Умуман, парламентлараро ҳамкорлик доирасида сенаторларнинг чет элларга расмий ташрифлари олдиндан пухта режалаштирилиши керак, музокаралар доирасида хорижий шериклар билан муҳокамага қўйиладиган масалаларни пишиқ-пухта белгилаб олиш шарт.

Оддий қилиб айтганда, парламентлараро ҳамкорликка оид ташрифларга юқори натижадорлик нуқтаи назаридан ёндашишнинг вақти-соати келди.

Бундан ташқари, хорижий инвестициялар ва ташқи савдо масалаларига оид тасдиқланган кўплаб “йўл хариталари” устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ҳам Сенат фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномаларнинг ижросини парламент назорати тартибида мунтазам ўрганишни йўлга қўйиш лозим.

Азиз дўстлар!

Маълумки, ҳар қайси мамлакат, ҳар қайси халқ ҳаётида **Шахс — Оила — Жамият — Давлат деган тушунча ва қадриятлар** ҳал қилувчи ўрин тутади. Жамиятнинг бирламчи ва асосий бўғини бўлган оилани эса муҳтарам аёл сиймосисиз асло тасаввур этиб бўлмайди.

Халқимиз азалдан муқаддас Она зотига, хотин-қизларга доимо юксак эҳтиром кўрсатиб келади. **Аёлга бўлган ҳурмат-эътибор — бу аввало, оилага, жамият келажагига бўлган ҳурмат-эътибор ифодасидир.**

Шу нуқтаи назардан қараганда, **“Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга нисбатан муносабати билан белгиланади”**, деган ҳикматли сўзларда албатта чуқур маъно бор.

Ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда.

Бугунги кунда юртимиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин аёллар раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хотин-қизларимиз орасидан Олий Мажлис Сенатида — 17 нафар сенатор, Қонунчилик палатасида — 21 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Маҳаллий Кенгашларда эса халқ вакилларининг 23 фоиздан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади.

Республика бўйича жорий йилнинг май ойида фуқаролар йиғинлари раислиги учун ўтказилган сайловларда 1 минг 25 нафар аёл ўзини ўзи бошқариш идоралари раиси лавозимига сайланди.

Юртимиздаги турли корхоналарда ишлаётган раҳбар аёллар сони ҳам ўсиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2017 йили 44,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 45,3 фоизга етган.

Хотин-қизларнинг улуши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоиздан зиёдни, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, қишлоқ хўжалигида 45 фоиздан ортиқни, саноатда 38 фоизни ташкил этмоқда. Юртимиздаги жами тадбиркорлик субъектлари таркибида тадбиркор аёлларнинг улуши 29 фоиздан иборатдир.

Шу ўринда БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг жорий йил 11 — 17 март кунлари бўлиб ўтган, мамлакатимиз делегацияси ҳам қатнашган БМТ Хотин-қизлар аҳволи бўйича комиссиясининг 63-сессиясида айтган бир фикрини келтирмоқчиман. **“Қаердаки сиёсий ва ижтимоий ҳаётда хотин-қизлар фаол иштирок этаётган бўлса, ўша жойда иқтисодиёт ўсмоқда, барқарорлик мустаҳкамланмоқда ва фуқароларнинг фаровонлиги юксалмоқда”**, деб таъкидлади А. Гутерриш.

Бугунги кунда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишига эришиш, гендер тенглиги ва репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатига жаҳон ҳамжамияти, жумладан, БМТ, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби нуфузли халқаро ихтисослашган муассасалар томонидан юқори баҳо берилмоқда.

Барчамизни руҳлантириб, янги куч-қувват бағишлайдиган бундай ижобий ўзгаришларга, авваламбор, юртимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши, уларнинг ижтимоий нуфузини янада юксалтиришга қаратилган салмоқли ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлаётганини таъкидлаш лозим.

Ўтган қисқа даврда бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та Фармони, 2 та қарори, Ҳукуматнинг 6 та қарори ва 4 та фармойиши қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда. Албатта, сизлар буларнинг барчасидан яхши хабардорсиз. Шунинг учун мен бу масалага батафсил тўхталиб ўтирмоқчи эмасман.

Энг муҳими, бу устувор йўналиш бизнинг доимий эътибор марказимизда бўлиб келмоқда. Жумладан, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ишга жойлаштириш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун зарур шароит яратиш, уларни уй-жой билан таъминлаш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда.

Мисол учун, **“Ҳар бир оила — тадбиркор”** дастурини амалга ошириш доирасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан ўз бизнесини ташкил этмоқчи бўлган 12 минг 651 нафар аёлга 1 триллион 235 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар берилди. Шу билан бирга, Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳисобидан кам таъминланган оилаларга мансуб 1 минг 949 нафар опа-сингилларимизга 42 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Кейинги пайтда юртимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш бўйича янги тизим яратилди. Ана шу тизим асосида 1 минг 564 нафар хотин-қизлар нафақат уй-жойга, балки иш ўринларига ҳам эга бўлиб, уларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиб бораётгани ғоят муҳимдир.

Хабарингиз бор, бугунги кунда **“Беш ижобий ташаббус”** доирасида бошланган ишларимиз тобора кенг тарқалмоқда, халқимиз бу ҳаракатни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, хотин-қизлар бандлигини оширишга доир бешинчи ташаббус бўйича 2019-2020 йилларда ҳар бир туманда тикув-трикотаж корхоналарини қуриш ва аёллар учун қарийб 57 мингта янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда. Бу лойиҳалар ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда. Лекин уларнинг самарасини ошириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги бўйича ўтказилган охирги ижтимоий сўровлар иштирокчиларининг 70,2 фоизи мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилганини қайд этган. Ушбу сўровда қатнашган 81,5 фоиз респондентларнинг фикрича, аёлларнинг жамоат ёки сиёсий ташкилотларда ўз фаолиятини амалга оширишда ҳеч бир шахс ва бирор-бир ҳолат уларга халақит бермайди.

Шу ўринда мени онгимизда чуқур илдиз отган бир ақида кўп ўйлантиради. Биз доимо аёл — бу она, оиламиз бекаси, деб уларни улуғлаймиз. Бу тўғри, албатта. Аммо **ҳозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт.**

Афсуски, биз узоқ вақт бу масалага етарлича эътибор бермасдан, ҳурматли опа-сингилларимизнинг дарду ташвишларига бепарво қараб келганимиз туфайли йиллар давомида тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бугун, очиғини айтиш керак, осон бўлмаяпти. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, муҳтарам опа-сингилларимиз учун муносиб иш ва турмуш шароитларини яратиб бериш бўйича биз бор куч ва имкониятларимизни тўла сафарбар этамиз. Чунки, такрор айтаман, **агар аёл, она бахтли бўлса, оила бахтли бўлади, оила бахтли бўлса, бутун жамият, давлат мустаҳкам ва барқарор бўлади.**

Сиёсий-ижтимоий ҳаётимизда ҳурматли аёлларимизнинг ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги муҳим вазифаларни амалга оширишимиз зарур.

**Биринчидан,** бундан ўн йил олдин Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари таркибида хотин-қизлар миқдори 20 фоиздан ортиқ эди. Эндиликда бу кўрсаткич юқори палатада — 17 фоизга, қуйи палатада эса — 16 фоизга тушиб қолди. Бу нимадан далолат беради?

Жавоб аниқ: сиёсий партияларимиз ўз сафларига билимли, ташаббускор ва ташкилотчи аёлларни жалб этиш, уларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишга етарлича эътибор бермаяпти. Ваҳоланки, БМТ маълумотларига кўра, парламентларда аёлларнинг вакиллиги бутун дунёда ўсиб бормоқда ва 2018 йилда бу кўрсаткич 24,3 фоизни ташкил этган.

Сизларга яхши маълумки, жаҳондаги демократик тажрибадан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз сайлов қонунчилигида парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда хотин-қизлар орасидан кўрсатиладиган номзодлар бўйича 30 фоизлик квота белгиланган.

Юртимизда ўзининг ақл-заковати, чуқур билими, катта ҳаётий тажрибаси, фидокорона меҳнати, инсоний фазилатлари билан ҳаммага ўрнак ва намуна бўлиб келаётган опа-сингилларимиз кўплаб топилади. Бу йил Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларда ана шундай сиёсий савияси етук, меҳнаткаш ва оқила аёлларимиз ўз салоҳиятини намоён этиб, депутат ва сенатор бўлиб сайлансалар, мен ишонаман, бундан давлатимиз ҳам, жамиятимиз ҳам фақат катта наф кўради.

Парламентга ва маҳаллий Кенгашларга сайланадиган аёллар сонининг ўсиши қонун ижодкорлиги жараёнида хотин-қизларнинг манфаатлари ва фикрларини ҳисобга олиш имкониятини беради. Шунингдек, Давлат бюджети шакллантиришда гендер тенглиги масалаларини инобатга олиш мумкин бўлади.

**Иккинчидан,** Олий Мажлис тизимида хотин-қизлар масалалари билан бевосита шуғулланадиган бирон-бир қўмита мавжуд эмас.

Тўғри, 2017 йили Қонунчилик палатасининг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси тузилган эди. Бу тузилма негадир ишламади, унинг Низомида белгиланган вазифалар қоғозда қолиб кетди. Оқибатда бугунги кунда оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга, уларнинг жамиятдаги мавқеини оширишга қаратилган муайян бир тузилма Қонунчилик палатасида ҳам, Сенатда ҳам йўқ.

**Учинчидан,** ўтган икки йилда халқаро андозалар талаблари доирасида аёллар аҳволини тубдан яхшилашга доир 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат имзоланган ва ижрога қаратилган. Аммо қонун ижодкорлари ўзларининг бу борадаги асосий вазифаси билан шуғулланиш ўрнига, ҳали ҳам “ухлаб” ўтирибди.

Фаоллик ва ташаббускорликни ошириш зарур. Яқин вақт ичида иккита янги қонун, яъни **“Эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ва имкониятлари кафолатлари тўғрисида”** ҳамда **“Аёлларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги** қонунларни қабул қилишимиз керак.

**Тўртинчидан,** мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари жадал ривожланмоқда. Лекин 9 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотларидан фақатгина 376 таси аёллар муаммолари билан шуғулланади. Бу етарли эмас, албатта.

Ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмаяпти. Улар фақат номига йиғилиш ва тадбирлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолмоқда.

Бу борадаги аҳволни тубдан яхшилаш учун Сенат фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидаги масалаларга қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Аввало,** оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий ҳаётда аёлларнинг иштирокини кенгайтириш бўйича қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини кучайтириш лозим. Бунинг учун қандай янги қонунлар қабул қилиш, қайси қонунларни ўзгартириш кераклиги ҳақида фуқароларимиз, сайловчилар сиз, ҳурматли сенаторларимиздан аниқ таклиф ва тавсия кутмоқдалар.

**Яна бир муҳим масала** — аёлларни иш билан таъминлаш, хотин-қизларнинг замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллаши учун шароит яратиш, уларнинг ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантириш, хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этишдан иборат.

**Навбатдаги долзарб вазифа** — аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, оилаларнинг тиббий маданиятини оширишда кўмаклашиш, жойларда, хусусан, маҳаллаларда, хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган маърифий-тарбиявий ишлар самарадорлигини кучайтириш билан боғлиқ. Бу борада, айниқса, қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш, уларни замонавий билим ва касб-ҳунарларга ўргатиш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларига кенг жалб этиш орқали уларнинг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш муҳим аҳамиятга эга эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

**Шулар қаторида** бизнинг меҳр-оқибатли, оққўнгил аёлларимизга мутлақо ярашмайдиган салбий иллатлар, яъни хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, жумладан, жиноятчилик, одам савдоси, оилавий ажримлар, эрта никоҳларнинг, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш доимий эътиборимиз марказида бўлиши зарур. Бу борада хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича мамлакатимиз ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларни бажариш ҳам устувор вазифа ҳисобланади.

Кейинги пайтда тўғри йўлдан адашганларни кечириш ва соғлом ҳаётга қайтариш, оила, маҳалла ва жамиятда тинчлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш борасида бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз лозим.

Мана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида янги тузилма — Хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари бўйича қўмита тузишни таклиф этаман.

Муҳтарам Сенат аъзолари!

Ҳаммангизга маълумки, Ниғматилла Тўлқинович Йўлдошев 2015 йилдан буён Сенат Раиси лавозимида ишлаб келди. Шу ўтган давр мобайнида Сенат томонидан эришилган барча ютуқ ва натижаларда унинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Мен кеча Н. Йўлдошевни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинлаш ҳақидаги Фармонга имзо чекдим. Шу муносабат билан у Сенат Раиси лавозимидан муддатидан олдин озод этилди.

Ҳурматли Ниғматилла Тўлқинович, сизга ушбу масъулиятли вазифада муваффақият тилаймиз.

Ҳурматли сенаторлар!

Энди Сенатнинг янги Раисини сайлаб олишимиз керак. Бу лавозим эгасига қандай юксак талаблар қўйилишини барчамиз албатта яхши тушунамиз.

Сенат Раиси, аввало, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур тушунадиган, ижтимоий ҳаётимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, оила, жамият ва давлат институтларини ўзаро уйғун ривожлантиришга билим ва салоҳияти, ҳуқуқий тафаккури етадиган, катта ташкилотчилик қобилиятига эга, Сенат фаолиятини бугунги янги талаблар даражасида ташкил этишга қодир шахс бўлиши керак.

Биз бу борада кўп фикрлашдик, жаҳон парламентаризми амалиёти ва ривожланган демократик давлатлар тажрибасини ҳам ўргандик.

Билдирилган барча фикр ва таклифлардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси лавозимига Танзила Камаловна Норбоева номзодини таклиф этаман.

У 1956 йили Андижон вилоятида туғилган, маълумоти олий, Тошкент давлат университетини тугатган. Ўз меҳнат фаолиятини мактаб ўқитувчилигидан бошлаган, Халқ демократик партиясида туман кенгаши котиби, ушбу партиянинг Марказий кенгаши шуъба мудири, 1995 йилдан 2010 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматида масъул лавозимларда ишлаган.

2010 — 2016 йилларда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси вазифасида фаолият юритган. 2016 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Т. Норбоева қаерда ишламасин, ўзининг меҳнатсеварлиги, билим ва тажрибаси, талабчанлик ва ташкилотчилик фазилатлари, ўзига ишониб топширилган вазифани масъулият билан адо этиши, камтарлиги билан мамлакатимиз жамоатчилиги ўртасида муносиб обрў-эътибор қозонган.

Танзила Камаловна Норбоева номзодини Сенат Раиси лавозимига тасдиқлаш учун овозга қўйишни илтимос қиламан.

Ҳурматли сенаторлар!

Ишончим комил, барчангиз Сенатимизнинг янги Раиси раҳбарлигида Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги, жонажон Ўзбекистонимизнинг ёруғ келажагини таъминлаш учун ўзингизни аямасдан, катта куч-ғайрат билан меҳнат қиласизлар.

Шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, масъулиятли фаолиятингизда ютуқ ва омадлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

б) ер участкаларини бериш, кичик саноат зоналари ҳудудида амалга ошириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаш ва жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкасини бериш тўғрисидаги алоҳида қарорини қабул қилмаган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгашлари (кейинги ўринларда — маъмурий кенгашлар) баённомалари шаклида расмийлаштирилади;

в) кичик саноат зонаси иштирокчиси томонидан инвестиция лойиҳасини кичик саноат зонасида жойлаштирилган кундан эътиборан уч ой мобайнида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар кўрилмаганлиги, шунингдек, объектдан шартномада кўрсатилган мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги шартноманинг бир томонлама тартибда бекор қилинишига асос бўлади;

г) кичик саноат зонаси иштирокчиси томонидан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш объектив сабабларга кўра шартномада кўрсатилган муддатларда якунланмаган бўлса ёки охирги 6 ой мобайнида ишлаб чиқариш фаолияти амалга оширилмаган бўлса, маъмурий кенгаш унга лойиҳа амалга оширилишини тезлаштириш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқлаган ҳолда қўшимча муддат тақдим этилиши ёхуд шартнома бекор қилиниши тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши мумкин;

д) бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)ни хусусийлаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ўз маблағлари ҳисобига реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш ишлари олиб борилган бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)да, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган кундан бошлаб камида 3 йил муддат ўтгандан кейин — реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш ишларининг харажатлари чегириб ташланган ҳолда белгиланган тартибда аниқланадиган баҳолаш қиймати бўйича;

инвестиция ва бошқа ижтимоий мажбуриятларни тўлиқ бажарган тақдирда (иштирокчининг шахсий маблағлари ҳисобига реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш ишлари олиб бормаган ҳолда), бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган кундан бошлаб камида 5 йил муддат ўтгандан кейин — беш йил мобайнида тенг улушларда тўловларни киритиш ҳуқуқи берилган ҳолда белгиланган тартибда аниқланадиган баҳолаш қиймати бўйича.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

а) маъмурий кенгашлар ва дирекциялар билан биргаликда уч ой муддатда:

республиканинг барча ҳудудларидаги кичик саноат зоналарини инвентаризация қилиш ва уларнинг фаолиятини ўрганиш ҳамда натижаси бўйича уларнинг ҳар бири кейинчалик фаолият юритиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилишини;

кичик саноат зоналари иштирокчилари билан тузилган бинолар ва иншоотларнинг ижараси тўғрисидаги шартномаларни, зарур ҳолларда, белгиланган тартибда фойдаланилмаётган ва мақсадга номувофиқ фойдаланилаётган бинолар ва иншоотларни қайтариш чора-тадбирларини кўрган ҳолда ёки қўшимча лойиҳаларни жойлаштириш ҳисобига улардан оқилона фойдаланиш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқилишини;

белгиланган муддатларда инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши бошланишини таъминламаган кичик саноат зоналари иштирокчилари билан инвестициялаш тўғрисидаги битимларнинг бекор қилинишини;

ишлаб чиқаришнинг қисқа муддатларда фойдаланишга топширилишини кўзда тутган ҳолда орқада қолаётган лойиҳалар бўйича тармоқ жадвалларининг ишлаб чиқилишини таъминласин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши орқада қолаётган туманлар ва шаҳарларда ҳудуднинг салоҳияти, рақобатдаги устувор йўналишлари, табиий ва меҳнат ресурсларидан келиб чиқиб, уларнинг ихтисослашувини белгилаган ҳолда янги кичик саноат зоналарини ташкил қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда янги ташкил қилинаётган кичик саноат зоналари ҳудудларида талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини назарда тутган ҳолда ҳудудлар кесимида транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

г) оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, электрон ва интернет нашрларини жалб қилган ҳолда мамлакатнинг кичик саноат зоналари, инвестиция киритишнинг афзалликлари ва яратилаётган имтиёзли шароитлар, кичик саноат зоналари ҳудудларидаги мавжуд бўлган инфратузилма, таклиф қилинаётган хизматлар, шунингдек, амалга оширилиши тавсия этилаётган инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги батафсил маълумотларнинг доимий асосда нашр этилишини ташкил этсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

маъмурий кенгашлар котибининг кичик саноат зоналари фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришга оид функциялари Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва саноат бош бошқармалари бошлиқлари зиммасига юклатилади;

дирекциялар директорларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш маъмурий кенгашлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

кичик саноат зоналарининг архитектура-режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, ер участкаларини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобига лойиҳа ташкилотларини жалб қилган ҳолда таъминланади;

дирекциялар кичик саноат зоналари ҳудудларининг архитектура-режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачилар бўлиб қатнашишга ҳақли.

6. Кичик саноат зоналари дирекциялари 2022 йил 1 июлга қадар ер солиғи ва мол-мулк солиғи тўлашдан озод этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда кичик саноат зоналари ҳудудларида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг тегишли маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобига кичик саноат зоналарининг бўлиниш чегарасигача зарурий ташқи муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилмасининг кичик саноат зоналарида тадбиркорлик субъектларини жойлаштиришга оид ишлаб чиқилган лойиҳаларга биноан қурилишини ва модернизация қилинишини таъминласин.

9. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж. А. Қўчқоровга — ушбу қарор билан қўйилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш доирасида вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш учун;

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири Б. А. Ходжаевга — маъмурий кенгашлар томонидан кичик саноат зоналари ҳудудида ишлаб чиқаришларни жойлаштиришга инвестиция талабномаларининг ўз вақтида кўриб чиқилиши ҳамда улар бўйича қарорлар қабул қилиниши, шунингдек, кичик саноат зоналарининг салоҳиятидан самарали фойдаланилиши, лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши ва жорий этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А. С. Султановга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига — қурилишнинг ўз вақтида тугатилиши, модернизация ва кичик саноат зоналари иштирокчиларини ташқи муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилмага уланиши, уларнинг объектлари реал ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мувофиқ электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминланиши учун шахсий жавобгарлик юклатилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

ушбу қарор талабларини ҳисобга олган ҳолда Кичик саноат зоналари тўғрисида янгиланган низом лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж. А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г. К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 21 июнь

# ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

## 2019/2020 ўқув йили учун бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича абитуриентларни ўқишга таклиф этади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти аграр ҳамда сув хўжалиги соҳасида замонавий қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина ҳамда механизмлар, сув тежовчи технологияларни кенг қўллаш ва жорий этиш бўйича стратегик вазифаларни ечишга қодир, қишлоқ ҳамда сув хўжалиги соҳасига юқори малакали, юксак савияли, рақобатбардош муҳандис-техник кадрларни тайёрлайди.

Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий техника ҳамда технологияларни жорий этиш ҳисобига қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини ошириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид илмий-техник вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган амалий ва инновацион илмий изланишлар ҳамда ишланмаларни олиб бориш, талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва битирувчиларни ишга жойлаштиришда тармоқ корхоналари билан ҳамкорлик қилади.

Мазкур соҳага Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, унинг Бухоро ҳамда Қарши филиаллари малакали кадрлар тайёрлаб беради.

Ҳозирги кунда институтнинг 5 та ўқув ва 2 та лаборатория биноси ҳамда 3 та талабалар тураржойи ва ахборот-ресурс маркази тўлиқ таъмирдан чиқарилган, шу билан биргаликда, талабалар учун янги ошхона қурилган.

Бугунги кунда институтда 7 та факультет мавжуд бўлиб, талабалар 22 та бакалавриат таълим йўналиши, 21 магистратура мутахассислиги бўйича ҳамда Голландиянинг Вагининген университети, АҚШнинг Мичиган, Оклахома, Миссисипи университетлари, Словакиянинг Нитра қишлоқ хўжалиги университети билан ҳамкорликдаги қўшма таълим дастурлари асосида икки томонлама диплом бериш келишуви бўйича магистрлар тайёрламоқда. Хусусан, гидромелиорация, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, гидротехника қурилиши, гидромелиоратив ишларни механизациялаш, қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти, ер ресурсларини бошқариш, сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш факультетлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, институт қошида Ҳарбий кафедра фаолият кўрсатмоқда. Талабалар бир вақтнинг ўзида мазкур кафедрада таҳсил олиш имкониятига эга.

Факультетлар қошида жами 37 та кафедра бўлиб, 385 нафар профессор-ўқитувчидан 51 нафари фан доктори ва профессор, 158 нафари фан номзоди ҳамда доцент, шунингдек, 176 нафар катта ўқитувчи ва ассистент фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, институтнинг ахборот-ресурс марказида турли форматдаги электрон ресурслар тўпланган. У ерда бадиий адабиётлар, диссертациялар ҳамда институт профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган барча фан бўйича ўқув материалларининг алоҳида электрон базаси мавжуд. АРМда умумий фонди 625 000 дан ортиқ нусхада адабиётлар бор бўлиб, унинг 252,344 нусхаси дарслик ва ўқув қўлланмалардир.

Институтда 1 205 та компьютер мавжуд бўлиб, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар фойдаланиши учун 18 та компьютер синфи интернет ва локал тармоқларга уланган.

***Ҳурматли абитуриентлар!***

Сизларни мамлакатимизнинг қишлоқ ва сув хўжалиги, ер ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва ривожлантириш учун юқори малакали рақобатбардош кадрлар этиб тайёрлаш мақсадида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига ҳамда унинг Бухоро ва Қарши филиалларига ўқишга таклиф қиламиз.

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг 2019/2020 ўқув йилида КУНДУЗГИ ТАЪЛИМДА бакалаврлар тайёрлаш юзасидан қабул кўрсаткичларининг таълим йўналишлари ва ўқитиш тиллари бўйича тақсимланиши**

| №* | Шифр | Таълим йўналишлари | Жами | Давлат грантлари асосида | | | Тўлов-контракт асосида | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Жами | шу жумладан: ўзбек | шу жумладан: рус** | Жами | шу жумладан: ўзбек | шу жумладан: рус |
| | | **ОТМ бўйича жами:** | **1 125** | **330** | **277** | **53** | **795** | **662** | **133** |
| | ***шу жумладан, таълим йўналишлари бўйича*** | | | | | | | | |
| 1. | 5141700 | Дарё ва сув омборлари гидрологияси | 25 | 5 | 5 | | 20 | 20 | |
| 2. | 5230100 | Иқтисодиёт (сув хўжалигида) | 25 | 5 | 4 | 1 | 20 | 15 | 5 |
| 3. | 5230900 | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (сув хўжалигида) | 25 | 10 | 7 | 3 | 15 | 8 | 7 |
| 4. | 5233000 | Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш | 50 | 15 | 10 | 5 | 35 | 25 | 10 |
| 5. | 5311000 | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (сув хўжалигида) | 60 | 15 | 12 | 3 | 45 | 28 | 17 |
| 6. | 5313200 | Техника ва технологияларнинг техник экспертизаси ва маркетинги (сув хўжалигида) | 40 | 10 | 10 | | 30 | 30 | |
| 7. | 5313400 | Геодезия ва геоинформатика | 50 | 15 | 12 | 3 | 35 | 28 | 7 |
| 8. | 5340700 | Гидротехника қурилиши (сув хўжалигида) | 50 | 15 | 12 | 3 | 35 | 23 | 12 |
| 9. | 5410700 | Ер кадастри ва ердан фойдаланиш | 90 | 20 | 15 | 5 | 70 | 60 | 10 |
| 10. | 5430100 | Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш | 120 | 30 | 25 | 5 | 90 | 80 | 10 |
| 11. | 5430300 | Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис | 50 | 10 | 10 | | 40 | 40 | |
| 12. | 5430400 | Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш | 25 | 10 | 10 | | 15 | 15 | |
| 13. | 5430500 | Қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти | 50 | 15 | 10 | 5 | 35 | 25 | 10 |
| 14. | 5450200 | Сув хўжалиги ва мелиорация | 120 | 30 | 25 | 5 | 90 | 75 | 15 |
| 15. | 5450300 | Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш | 100 | 40 | 35 | 5 | 60 | 50 | 10 |
| 16. | 5450400 | Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш | 70 | 25 | 20 | 5 | 45 | 35 | 10 |
| 17. | 5450500 | Мелиоратив гидрогеология | 25 | 5 | 5 | | 20 | 20 | |
| 18. | 5450600 | Ирригация тизимларида гидроэнергетика объектлари | 50 | 15 | 10 | 5 | 35 | 25 | 10 |
| 19. | 5450700 | Сув таъминоти муҳандислик тизимлари | 25 | 10 | 10 | | 15 | 15 | |
| 20. | 5450800 | Сув хўжалигида инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш | 25 | 10 | 10 | | 15 | 15 | |
| 21. | 5630200 | Сув хўжалигида экология хавфсизлиги | 25 | 10 | 10 | | 15 | 15 | |
| 22. | 5640200 | Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги | 25 | 10 | 10 | | 15 | 15 | |

***Изоҳ:*** * Таълим йўналишлари кетма-кетлиги Президент қарорида белгиланганидек тартибда бўлиши лозим.
** Бошқа тиллар бўйича кўрсаткичлар қўшимча устунда кўрсатилсин

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг 2019/2020 ўқув йилида магистрлар тайёрлаш юзасидан қабул кўрсаткичларининг мутахассисликлар ва ўқитиш тиллари бўйича тақсимланиши**

| №* | Шифр | Мутахассисликлар | Жами | Давлат грантлари асосида | | | Тўлов-контракт асосида | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Жами | шу жумладан: ўзбек | шу жумладан: рус** | Жами | шу жумладан: ўзбек | шу жумладан: рус |
| | | **ОТМ бўйича жами:** | **126** | **115** | **82** | **33** | **11** | **6** | **5** |
| | ***шу жумладан, мутахассисликлар бўйича*** | | | | | | | | |
| 1. | 5А230201 | Менежмент (сув хўжалигида) | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 2. | 5А230401 | Маркетинг (сув хўжалигида) | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 3. | 5А233001 | Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 4. | 5А310201 | Электр таъминоти (сув хўжалигида) | 4 | 4 | 3 | 1 | | | |
| 5. | 5А311001 | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (сув хўжалигида) | 6 | 6 | 4 | 2 | | | |
| 6. | 5А313401 | Геодезия ва геоинформатика | 8 | 8 | 8 | | | | |
| 7. | 5А340701 | Гидротехника иншоотлари (сув хўжалигида) | 6 | 6 | 4 | 2 | | | |
| 8. | 5А410701 | Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш | 8 | 8 | 6 | 2 | | | |
| 9. | 5А430101 | Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш (тармоқлар бўйича) | 8 | 8 | 6 | 2 | | | |
| 10. | 5А430501 | Қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти | 6 | 6 | 5 | 1 | | | |
| 11. | 5А430502 | Сув хўжалигида Smart (интеллектуал) ўлчаш тизимлари ва асбоблари | 6 | 6 | 4 | 2 | | | |
| 12. | 5А450101 | ГЭС қурилиши ва улардан фойдаланиш | 6 | 6 | 4 | 2 | | | |
| 13. | 5А450202 | Мелиорация ва суғорма деҳқончилик | 8 | 8 | 6 | 2 | | | |
| 14. | 5А450205 | Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш | 6 | 6 | 5 | 1 | | | |
| 15. | 5А450206 | Сувтежамкор суғориш технологиялари | 6 | 6 | 4 | 2 | | | |
| 16. | 5А450207 | Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва бошқариш | 6 | 6 | 4 | 2 | | | |
| 17. | 5А450301 | Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш | 8 | 8 | 6 | 2 | | | |
| 18. | 5А450401 | Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш, уларнинг ишончлилиги ва хавфсизлиги | 6 | 6 | 4 | 2 | | | |
| 19. | 5А450402 | Насос станцияларидан фойдаланиш ва қурилмаларидан фойдаланиш ва ташхиси | 6 | 6 | 4 | 2 | | | |
| 20. | 5А630101 | Атроф-муҳит муҳофазаси (Халқаро ер ва сув ресурсларини бошқариш) | 2 | 1 | | 1 | 1 | 1 | |
| 21. | 5А630101 | Атроф-муҳит муҳофазаси (геоахборот тизимлари) | 2 | 1 | 1 | | 1 | | 1 |
| 22. | 5А630101 | Атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ ва сув хўжалигида) | 2 | 1 | | 1 | 1 | 1 | |
| 23. | 5А630201 | Сув хўжалигида экология хавфсизлиги | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |

***Изоҳ:*** * Мутахассисликлар кетма-кетлиги Президент қарорида белгиланганидек тартибда бўлиши лозим.
** Бошқа тиллар бўйича кўрсаткичлар қўшимча устунда кўрсатилсин.

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг 2019/2020 ўқув йилида СИРТҚИ ТАЪЛИМДА бакалаврлар тайёрлаш юзасидан қабул кўрсаткичларининг таълим йўналишлари ва ўқитиш тиллари бўйича тақсимланиши**

| №* | Шифр | Таълим йўналишлари | Жами | Давлат грантлари асосида | | | Тўлов-контракт асосида | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Жами | шу жумладан: ўзбек | шу жумладан: рус** | Жами | шу жумладан: ўзбек | шу жумладан: рус |
| | | **ОТМ бўйича жами:** | **320** | | | | **320** | **288** | **32** |
| | **шу жумладан, таълим йўналишлари бўйича** | | | | | | | | |
| 1. | 5230200 | Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 20 | | | | 20 | 20 | |
| 2. | 5230900 | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) | 25 | | | | 25 | 15 | 10 |
| 3. | 5311000 | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича) | 25 | | | | 25 | 25 | |
| 4. | 5340700 | Гидротехника қурилиши (турлари бўйича) | 25 | | | | 25 | 25 | |
| 5. | 5410700 | Ер кадастри ва ердан фойдаланиш | 25 | | | | 25 | 15 | 10 |
| 6. | 5430100 | Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш | 50 | | | | 50 | 50 | |
| 7. | 5430500 | Қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти | 25 | | | | 25 | 25 | |
| 8. | 5450200 | Сув хўжалиги ва мелиорация | 50 | | | | 50 | 44 | 6 |
| 9. | 5450300 | Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш | 25 | | | | 25 | 25 | |
| 10. | 5450400 | Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш | 25 | | | | 25 | 19 | 6 |
| 11. | 5450600 | Ирригация тизимларида гидроэнергетика объектлари | 25 | | | | 25 | 25 | |

***Изоҳ:*** * Таълим йўналишлари кетма-кетлиги Президент қарорида белгиланганидек тартибда бўлиши лозим.
** Бошқа тиллар бўйича кўрсаткичлар қўшимча устунда кўрсатилсин

485Б/336

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ**

## МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК

**онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Андижон вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 259/2018-11-сонли шартномага асосан **https://www.e-auksion.uz** электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 24 июль** куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Андижон вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари сотувга қўйилган:

| Т/р | Автотранспорт русуми | Ишлаб чиқарилган йили | Давлат рақами | Бошланғич баҳоси | Лот рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «УАЗ 396004» | 1991 | 60 465 BAA | 8 521 000 | 0083412 |
| 2. | «УАЗ 31514-010» | 1996 | 60 392 UAA | 5 861 000 | 0083411 |
| 3. | «УАЗ 31514» | 1996 | 60 441 BAA | 7 047 000 | 0083413 |
| 4. | «УАЗ 31514» | 1997 | 60 449 BAA | 5 594 000 | 0083414 |
| 5. | «УАЗ-31514» | 2001 | 60 438 BAA | 7 106 000 | 0083417 |
| 6. | «УАЗ 31514» | 2001 | 60 459 BAA | 10 894 000 | 0083416 |
| 7. | «УАЗ 39091» | 2001 | 60 424 BAA | 4 194 000 | 0083415 |
| 8. | «УАЗ 315142-017» | 2003 | 60 409 BAA | 7 176 000 | 0083418 |
| 9. | «DAMAS» | 1997 | 60 447 BAA | 13 954 000 | 0083409 |
| 10. | «ВАЗ 212130» | 1995 | 60 405 BAA | 10 831 000 | 0083408 |
| 11. | «ГАЗ-31029» | 1996 | 60 109 GAA | 9 280 000 | 0083407 |
| 12. | «Prince» | 1996 | 60 504 GAA | 16 593 000 | 0083410 |
| 13. | «Volkswagen» | 1997 | 60 429 BAA | 13 637 000 | 0083419 |

**Автотранспортлар сақланаётган манзил:**
**Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 17-уй. Телефон 97-582-57-76.**

***Талабгорлар диққатига!***

Аукцион савдосида иштирок этиш — **«E-IJRO AUKSION»** ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

486Ж/333





Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 57 463 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — М. Каримова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.45 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6